

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти  
билин Ўзбекистон энергетика, нефт-газ ва геология  
ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши



## ТАРМОҚ (ТАРИФ) КЕЛИШУВИ

(2022-2024 йиллар учун)

Тошкент - 2022

## МУНДАРИЖА

I.	<i>Бўлим. Умумий қоидалар</i>	-	<b>3</b>
II.	<i>Бўлим. Тарафларнинг мажсбуриятлари</i>	-	<b>3</b>
2.1.	<i>Жамият мажсбуриятлари:</i>	-	<b>3</b>
2.1.1.	<i>Ишлаб чиқарши-хўжасалик фаолияти</i>	-	<b>3</b>
2.1.2.	<i>Меҳнат шартномаси ва бандликни таъминлаш</i>	-	<b>4</b>
2.1.3.	<i>Иш вақти ва дам олии вақти</i>	-	<b>7</b>
2.1.4.	<i>Меҳнатга ҳақ тўлаши</i>	-	<b>13</b>
2.1.5.	<i>Меҳнатни муҳофаза қилиши</i>	-	<b>18</b>
2.1.6.	<i>Ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар</i>	-	<b>23</b>
2.1.7.	<i>Меҳнат низоларини хал этиши</i>	-	<b>27</b>
2.1.8.	<i>Ижтимоий шериклик. Касаба уюшмаси фаолиятининг кафолатларига риоя этилиши</i>	-	<b>27</b>
2.2.	<i>Касаба уюшмаси Республика кенгашининг мажсбуриятлари</i>	-	<b>30</b>
III.	<i>Бўлим. Тарафларнинг биргаликдаги мажсбуриятлари</i>	-	<b>32</b>
IV.	<i>Бўлим. Ёшлиар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар</i>	-	<b>34</b>
V.	<i>Бўлим. Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оиласвий вазифаларни бажарииш билан машгул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар</i>	-	<b>36</b>
VI.	<i>Бўлим. Маданий-маърифий, жисмоний тарбия, согломлаштириши ва спорт ишлари</i>	-	<b>38</b>
VII.	<i>Бўлим. Мулкни хусусийлаштириши ва давлат масарруфидан чиқарши соҳасида</i>	-	<b>40</b>
VIII.	<i>Бўлим. Келишувнинг бажарилишини ташкил қилиши ва назорат қилиши тартиби</i>	-	<b>41</b>

**“Худудий электр тармоқлари” Акциядорлик жамияти билан  
Ўзбекистон энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси  
Республика кенгаши ўртасида 2022-2024 йиллар учун**

**ТАРМОҚ (ТАРИФ) КЕЛИШУВИ**

**I. Бўлим. Умумий қоидалар**

**1.1.** Мазкур келишув “Худудий электр тармоқлари” Акциядорлик жамияти бошқаруви (келгусида – “Худудий электр тармоқлари” АЖ деб юритилувчи) билан Ўзбекистон энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши (келгусида – «касаба уюшма Республика Кенгаши» деб юритилувчи) ўртасида жамият олдида турган вазифаларни ҳал қилишда ижтимоий шерикчилик тамойили остида конструктив ҳамкорликни таъминлаш ва бозор муносабатлари шароитида тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида тузилган.

**1.2.** Мазкур келишув меҳнат ва ишлаб чиқариш муносабатларини, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солувчи ҳамда ходимларни ижтимоий кафолатлар билан таъминловчи тармоқ миқёсидаги меъёрий хужжатдир.

**1.3.** Мазкур келишув асосида мулкчилик шаклидан қатъий назар “Худудий электр тармоқлари” АЖ тизимидағи барча корхона ва ташкилотларда, акциядорлик жамияти девонида иш берувчи билан касаба уюшма органи ўртасида жамоа шартномалари тузилади.

Корхона ва ташкилотлар ўз ички имкониятларидан, ишлаб-чиқариш ва хўжалик фаолиятлари натижаларидан келиб чиқсан ҳолда мазкур келишувга киритилган у ёки бу кўрсаткичларни камайтирган ҳолда жамоа шартномаларига қўшимча тарзда кафолат ва имтиёзлар киритиш хукуқига эга.

**II. Бўлим. Таравларнинг мажбуриятлари**

**2.1. “Худудий электр тармоқлари” АЖ қуидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

**2.1.1. Ишлаб чиқариш - хўжалик фаолияти.**

**2.1.1.1.** Истиқболли (прогноз) кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва барқарорлаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва тармоқни ривожлантириш стратегиясини шакллантирилади.

**2.1.1.2.** Асосий кўрсаткичлар бўйича йиллик ишлаб чиқариш вазифаларининг бажарилишини таъминланади. (молиявий имкониятларни инобатга олган ҳолда).

**2.1.1.3.** “Худудий электр тармоқлари” АЖ таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларда ижтимоий тўловлар ва имтиёзлар учун сарфланадиган харажатларни аниқлаш бўйича касаба уюшма ташкилотлари сайланма органларининг фикрини инобатга олган ҳолда назорат-режа кўрсаткичларнинг шакллантирилишини таъминланади.

**2.1.1.4.** “Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда ривожлантириш стратегияси”га мувофиқ ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ҳамда акциядорлик жамияти шаънига путур етказиши қалтисликларини олдини олиш буйича чора-тадбирлар амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашиш мажбуриятини олган ҳолда тарафлар кўйидаги мақсадларга йўналтирилган тадбирларни амалга оширади:

- тежамкорликнинг қатъий режимини жорий қилиш, ишлаб-чиқариш харажатлари ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини камайтириш, шу жумладан, технологик жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришда электроэнергия ва материаллар сарфлари ҳамда бошқа харажатларни камайтириш ҳисобига;

- тежамкорликнинг қатъий режимини жорий қилиш, ишлаб-чиқариш харажатлари ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини камайтириш, шу жумладан, технологик жараёнларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришда электроэнергия ва материаллар сарфлари ва бошқа харажатларни камайтириш ҳисобига;

- техник, технологик ва ишлаб чиқариш интизомига қатъий риоя қилинишини таъминлаш.

## **2.1.2. Меҳнат шартномаси ва бандликни таъминлаш.**

**2.1.2.1.** Тузилган меҳнат шартномаларига асосан касблари ва малакаларига мувофиқ ходимларнинг бандлиги таъминланади.

Ходим ва **Иш берувчи** ўргасидаги меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларига биноан ёзма равища тузилган меҳнат шартномаси билан тартибга солинади. Ишга қабул қилинган шахслар билан **касаба уюшма қўмитасида** таништирув сухбати ўtkазилади.

**2.1.2.2.** Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилинишини фақатгина касаба уюшма қўмитасининг олдиндан ёзма розилиги олинган ҳолда амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимнома касаба уюшмаси қўмитасида “Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацииси Ижроия қўмитасининг 19.03.2021 йилдаги 2-37“с”-сон Қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси

19.03.2021 йилдаги 2-37“с”-сон Қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органларида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш Тартиби” асосида кўриб чиқилади.

(Куйидаги ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилинишида касаба уюшма кўмитасининг розилиги талаб қилинмайди:

- корхонани тугатилиши муносабати билан;

- корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексини 100-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирига кўра бекор қилишда;

- мулк эгасининг алмасиши сабабли корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишда).

**2.1.2.3. Иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камидан иккиси ой олдин тегишли касаба уюшмаси органи ахборот тақдим этиш, ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.**

Иш берувчи, шунингдек камидан иккиси ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи микдорини кўрсатган ҳолда, ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига маълум қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**Корхона ходимларининг рўйхатдаги сонидан камидан 10 фоизининг бир вақтнинг ўзида ишдан озод этилиши ходимларнинг оммавий равишда ишдан озод этилиши деб ҳисобланади.**

**2.1.2.4. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши ва оптимизациялаш муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда:**

- ишда қолдириш учун имтиёзли ҳукуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади. Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир ҳил бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (келгусида Меҳнат кодекси) 103-моддаси талабларига мувофиқ ишда қолиш афзалликларига эга бўлган ходимлар тоифаларини аниқлаш;

- ишлаб чиқариш зарурияти ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда вақтинча ва ўриндошлик лавозимида ишлаётганлар сонини чеклаш;

- штатлар қисқартирилганда Меҳнат кодексининг 103-моддасида кўзда тутилган ходимлар тоифаларидан ташқари пенсия ёшига тўлишига 2 йил қолган ходимларга ҳам ишда қолишда афзаллик бериш;

- ишдан бўшатилаётган ходим корхонасига ёки ташкилотига зарур бўлган ихтисослик бўйича меҳнат муносабатларини давом эттириш хоҳишини

билдирса, унинг қайта ўқитилишини ташкил қилиш ва ўқиш даврида унга ўртача иш ҳақи тўлаш;

- штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилган тегишли малакага эга бўлган ходимларга корхонада очиладиган вакант лавозимларни эгаллаш бўйича имтиёзли хукуқ берилади.

**2.1.2.5.** Таркибий бўлинмалар, бўлимлар ва бошқаларни тутатиш ёки таркибий жихатдан қайта ўзгартириш масалалари тўғрисида касаба уюшма қўмиталарини билан камида 2 ой олдин маслаҳат қилинади.

**2.1.2.6.** Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш Мехнат Кодексининг 94-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилиши таъминланади.

**2.1.2.7.** Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш муносабати билан ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказиш ва бунда унинг меҳнатига ҳақ тўлаш Мехнат Кодексининг 95-модда талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилиши таъминланади.

Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан иш берувчининг ташаббуси билан ходим (ўзининг розилигисиз) вақтинча бошқа ишга ўтказилиши мумкин. Ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланувчи ҳолатлар жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади.

Ишлаб чиқариш, ташкилий техник тусдаги ёки бошқа объектив сабабларга кўра ходим иш билан таъминланмаган ҳолатлар бекор туриб қолиш деб ҳисобланади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказишлар муддати ишлаб чиқариш заруриятини келтириб чиқарган омилларни бартараф этиш вақти билан, бекор туриб қолишларда эса – бекор туриб қолинишнинг бутун даври билан белгиланади. Барча ҳолларда иш берувчининг ташаббуси билан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси йил давомида **60** кундан олмаслиги керак.

**2.1.2.8.** Ходимларни дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб қилиш Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 130-132 моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилиши таъминланади.

**2.1.2.9.** Худудий бандлик дастурига киритилган корхоналарда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахсларни иш жойи билан таъминлаш учун маҳаллий хокимиятлар белгиланган квоталарга амал қилинган ҳолда кўшимча иш ўринлари яратилишини таъминланади.

**2.1.2.10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги Фармонига ПФ-3706 мувофиқ касаначилик меҳнати жорий қилинган корхоналарда касаначиларнинг ижтимоий-иктисодий манфаатлари

ва меҳнат кафолатларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган “Касаначилик меҳнати тўғрисидаги Низом”га мувофиқ жамоа шартномалари орқали таъминланади.

**2.1.2.11.** Иш берувчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш бўйича йиллик сарф-харожатларни молиялаштириш маблағларини тасдиқлайди.

**2.1.2.12.** Яширин ишсизлик ҳолатларида (ходимнинг айбисиз бўш туриб қолишлар, қисқартирилган иш режими ва х. к) корхоналар ходимлари учун мазкур келишувда кўзда тутилган ҳукуқ, имтиёз ва кафолатларни сакланади.

**2.1.2.13.** Малака ошириш бўйича тармокқа қарашли барча таълим муассасаларида «Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари» мавзусида машғулотлар ўтказилишини йўлга қўйилади.

**2.1.2.14.** Юридик шахсларни тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида бўшатиб олинган ходимларнинг қонуний ҳукуқларига риоя этиш, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашилади.

**2.1.2.15.** Олий, ўрта маҳсус таълим муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафидан муддатли харбий хизматдан қайтган шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларни хар томонлама ишга жойлаштиришга кўмаклашилади.

**2.1.2.16.** Энергетика касби бўйича мутахассислар тайёрлашни, касб – хунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилишини таъминланади, ёш мутахассисларни ўз иш ўринларида кўнимлилиги учун иш берувчилар масъулияти оширилади.

**2.1.2.17.** Корхонада 55 ёшдаги меҳнат фаолиятини давом эттириш истагидаги аёлларни ПҚ-4235 (07.03.2019й.) га мувофиқ “аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳукуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланади.

**2.1.2.18.** “Карантин даврида коронавирус инфекцияси билан заарланиб карантинга жойлаштирилган 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўринини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади”. (ПФ-5969 19.03.2020й).

**2.1.2.19.** Жамоа шартномаларида ёш мутахассислар малакасини ошириш ва шогирд-кадрлар тайёрлаш масалалари бўйича юқори малака ва тажрибага

эга бўлган нафақадаги мутахассислар ўрнатилган тартибда жалб этилиши кўзда тутилиши мумкин.

### **2.1.3. Иш вақти ва дам олиш вақти**

**2.1.3.1.** Бир хафталик иш вақтининг нормал муддати 40 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Сменада (навбатда) туриб ишлайдиган ходимларнинг иш вақти, иш вақтини жамлаб ҳисоблаш амалга оширилган ҳолда смена графигига мувофиқ аниқланади ва ҳисобга олинадиган даврдаги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал микдоридан ошиб кетмаслиги керак.

**2.1.3.2.** Куйидагилар учун қисқартирилган (бир ҳафтада 36 соатдан ошмайдиган) иш вақти белгиланади:

- 18 ёшга тўлмаган ходимлар учун;
- I ва II гурӯҳ ногиронларига;
- нокулай меҳнат шароитларида ишлаётган ходимлар учун;
- уч ёшгача фарзанди бўлган аёллар учун.

Ҳар бир корхонадаги меҳнат шароитлари нокулай бўлган ишлар рўйхати ва улардаги иш вақтининг аниқ муддати Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари Вазирлиги ҳамда Соғликни саклаш Вазирлиги томонидан тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш услубиятига асосланган ҳамда амалдаги қонуний ва меъёрий хужжатлар талаблари инобатга олинган ҳолда тегишли жамоа шартномалари орқали белгиланади (МК 116, 117 моддалари).

**2.1.3.3.** Ходимни унинг розилиги билангина ишдан ташқари вактларда ишга жалб қилинади. Бунда иш сменаси 12 соатдан иборат бўлган ишчиларни, оғир ва зарарли меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни, ҳомиладор аёлларни ва 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишдан ташқари вактда ишга жалб қилиши тақиқланади (МК 124 моддаси).

**2.1.3.4.** Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда - бир кунда икки соатдан) ва йилига 120 (бир юз йигирма) соатдан ортиқ бўлмаслигини таъминланади.

**2.1.3.5.** Иш вақти жамлаб ҳисобга олинадиган иш режимида банд бўлган ходимларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шакли бўйича ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи микдори, ҳисобга олинадиган давр якунлари бўйича кейинчалик тўғриланиш шарти билан, тенглантирилиши кафолатланади. Бунда ҳисобга олинадиган давр мобайнида иш соатларининг норматив микдоридан ортиқ ишланган вақт учун ходимнинг ҳохишига кўра унга иш вақтидан ташқари вактда бажарилган ишлар учун тўланадиган микдорларда ҳақ тўланади ёки дам олиш куни берилади.

**2.1.3.6.** Ходим билан иш берувчи келишувига биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Иш берувчи меҳнат Кодексда (229-модда), шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив хужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш вақтини белгилаб қўйиши шарт.

Тўлиқсиз иш вақти шарти билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат хуқуқларини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Хомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган фарзанди (16 ёшга - тўлмаган ногирон фарзанди) бор аёлнинг шу жумладан ҳомийлигида шундай фарзанди бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш ҳафтаси белгиланади. Қисқартирилган иш кунининг давомийлиги тарафларнинг келишувига кўра вазиятдан келиб чиқсан холда белгиланади.

**2.1.3.7.** Тезкор хизмат ходимларига сменани қабул қилиб олиш учун иш вақти бошланишидан олдин 20 дақиқалик ҳақ тўланадиган вақт белгиланади.

**2.1.3.8.** Саноат-ишлаб чиқариш ходимлари учун **асосий** 15 иш куни ва тармоқ хусусиятини инобатга олган ҳолда кўшимча 6 иш куни - жаъми 21 иш кунидан иборат, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳа ходимлари учун 15 иш кунидан иборат (тармоқ тиббиёт ходимларидан ташқари), кўриқлаш хизмати оддий ходимлари (харбийлаштирилган қоровуллик) учун 21 календар куни ва раҳбар ходимлари учун 30 календар кундан иборат асосий таътиллар белгиланади.

**2.1.3.9.** Меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа заарли омиллари таъсир этадиган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги “Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 263-сонли қарорига мувофиқ иш жойларини аттестациядан ўtkазиш натижаларига кўра куйидагича қўшимча таътиллар берилади:

- |   |             |
|---|-------------|
| - 3-клас I-даражали заарли меҳнат шароитларида<br>ишловчилар учун   | -3 кун;     |
| - 3-клас II-даражали заарли меҳнат шароитларида<br>ишловчилар учун  | 4 – 6 кун   |
| - 3-клас III-даражали заарли меҳнат шароитларида<br>ишловчилар учун | 7– 12 кун;  |
| - 3-клас IV-даражали заарли меҳнат шароитларида<br>ишловчилар учун  | 13– 18 кун; |
| - 4-клас ҳавфли (экстремал) меҳнат шароитларида                     |             |

ишловчилар учун

19 – 24 кун.

**2.1.3.10. Кўйидаги ҳолларда ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча ишланмайдиган кун берилади:**

- |   |         |
|---|---------|
| - ходимнинг биринчи никоҳ тўйларида   | - 3 кун |
| - фарзанд туғилганда (отасига)  | - 2 кун |
| - фарзандларининг никоҳ тўйларида   | - 2 кун |
| - яқин қариндошларининг (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари, туғишган ака-ука ва опа- сингиллари) дағн маросимларида | - 3 кун |

**2.1.3.11. Кўйидагиларга ўттиз календар кундан иборат бўлган йиллик узайтирилган асосий таътил берилади:**

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- ишлаётган I ва II груп ногиронларига.

**2.1.3.12. Икки ва ундан ортиқ 12 ёшгача фарзанди бўлган ёки 16 ёшгача ногирон фарзанди бўлган аёлларга 3 иш кунидан иборат бўлган ҳақ тўланувчи қўшимча ишланмайдиган кун берилади.**

**2.1.3.13. Кўп сменали иш режими учун 4 иш кунигача ҳақ тўланадиган қўшимча таътил белгиланади (бунда 2 сменада ишловчиларга ишлаган хар 2 йили учун бир кундан, лекин 2 кундан ортиқ бўлмаган, 3 сменада ишловчиларга ишлаган хар бир йили учун бир кундан, лекин 4 кундан ортиқ бўлмаган қўшимча таътил берилади).**

**2.1.3.14. Биринчи раҳбарларга ҳақ тўланадиган 3 кун қўшимча таътил берилади.**

**2.1.3.15. Умумий иш стажига қараб, ҳақ тўланадиган ва жамоа шартномалари орқали аниқланадиган миқдорларда қўйидагича қўшимча таътиллар берилади (иш кунлари ҳисобида):**

1 йилдан	3 йилгача	- 1 кун
3 йилдан	5 йилгача	- 2 кун
5 йилдан	10 йилгача	- 3 кун
10 йилдан	15 йилгача	- 4 кун
15 йилдан	20 йилгача	- 5 кун
20 йилдан ортиқ		- 6 кун

**2.1.3.16. Мехнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан, унинг муддати туташи муносабати билан ) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътилларни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.(МК 152 моддаси).**

**2.1.3.17.** Қонун хужжатлари билан ўрнатилган йиллик мөхнат таътилларининг умумий давомийлиги (қўшимча таътиллар билан биргаликда) 48 иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмас.

**2.1.3.18.** Йиллик таътилларни бериш навбати ва тартибини календар йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мөхнат кодексининг 143 ва 144 моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда аниқлаш.

**2.1.3.19.** Ходимнинг аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак (МК 150-моддаси).

**2.1.3.20.** Мөхнат шартномасини бекор қилишда (шу жумладан, унинг муддати тугаши муносабати билан) ходимнинг хоҳишига кўра йиллик асосий ва қўшимча таътилларни бериб, ундан кейин мөхнат муносабатларини бекор қилиш (МК 152 моддаси).

**2.1.3.21.** Йиллик асосий таътилни олиш хукуқини берувчи иш стажига куйидагилар киради:

- иш йили давомида ҳақиқатда ишлаган вақт;

- ходим ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жойи сақланган вақт, бундан болани парваришлаш учун қисман ҳақ тўланадиган таътил ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган икки ҳафтадан қўп бўлган таътиллар мустасно;

- мөхнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги натижасида пайдо бўлган ҳақ тўланадиган мажбурий прогул вақти, башарти ходим кейинчалик аввалги ишига тикланган бўлса;

- тармоқ корхоналарида тузилган жамоа шартномаларда иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан қўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш хукуқини берадиган мөхнат стажига қўшиш назарда тутилади.

**2.1.3.22.** Йиллик таътилларни бериш навбати ва тартиби календар йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мөхнат кодексининг 143 ва 144-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда аниқланади.

**2.1.3.23.** Куйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилипи керак:

- I ва II гурӯҳ ногиронларига;

- 1941 – 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёzlари бўйича уларга тенгалаштирилган шахсларга;

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга.

**2.1.3.24.** Балоғат ёшига етмаган (4 ва ундан ортиқ) фарзандлари бўлган аёллар учун ойлик иш ҳақларини саклаган ҳолда иш ҳафтасини 1 соатга кисқартирилади.

**2.1.3.25.** Ходимга иш ҳақи сакланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан ортиқ бўлган таътил даври ҳам йиллик асосий таътилни олиш хукуқини берувчи меҳнат стажига кўшилади (МК 142 моддаси).

**2.1.3.26.** Таътил бошланмасдан олдин охирги иш кунида таътил учун ҳақ тўланишини таъминлаш (МК 148 моддаси).

**2.1.3.27.** Меҳнат кодексининг 150-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлардан ташқари (1941-1945 йиллардаги жаҳон уруши қатнашчилари ва имтиёzlари жихатидан уларга тенглashingтирилган I ва II гурӯх ногиронлари, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёллар) куйидаги ходимларга ҳам уларнинг хоҳишига кўра иш ҳақи сакланмаган ҳолда муқаррар тартибда 14 календар кунга қадар таътил берилади:

- а) бетоб оила аъзосини парваришлаётган ходимларга;
- б) 30 ёшгача бўлган ёш оила аъзоларига.

**2.1.3.28.** Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўкувчилар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, аёллар ва оиласиий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахслар учун имтиёzlар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 14-боби талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланади.

**2.1.3.29.** Таътил бошланмасдан олдин охирги иш кунида таътил учун ҳақ тўланишини таъминлаш (МК 148 моддаси).

**2.1.3.30.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 144-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар тоифаларидан ташқари қуйидаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 марта даги 153-сонли қарорига асосан ижтимоий аҳамиятга молик касаллик бўйича ҳисобда турган ходимларга;

- б) бетоб оила аъзосини парваришлаётган ходимларга.

**2.1.3.31.** Меҳнат кодексининг 150-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлардан ташқари (I ва II гурӯх ногиронлари, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёллар) куйидаги ходимларга ҳам уларнинг хоҳишига кўра иш ҳақи сакланмаган ҳолда муқаррар тартибда 14 календар кунга қадар таътил берилади:

- а) бетоб оила аъзосини парваришлаётган ходимларга;

**б) 30 ёшгача бўлган ёш оила аъзоларига.**

**2.1.3.32.** Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўкувчилар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, аёллар ва оиласий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахслар учун имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 14-боби талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланади.

**2.1.3.33.** Ходим билан иш берувчи келишувига биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш хафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

**2.1.3.34.** Янги йил, Наврӯз ва Мустақиллик байрамлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йилги тегишли Фармонига мувофиқ ходимларга қўшимча ишланмайдиган дам олиш кунларини белгилаш. Бунда, ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртacha ойлик иш ҳақи микдорини ҳисоблашда байрамлар муносабати билан қўшимча белгилангандиган кунлар ҳам инобатга олинган ҳолда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йилги тегишли Фармонига мувофиқ ходимларга Меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги расмий байрамлар муносабати билан қўшимча белгилангандиган дам олиш кунлари ҳам инобатга олинган ҳолда сақланади.

**2.1.3.35.** Корхонада Республика миқёсида табиий оғатлар, форс-мажор (эпидемия, сув тошқини, кўчки, зилзила, сел, довул, тўфон, куюн), техноген тусдаги фавкулодда вазиятлар: ёнгин, технологик жараёндаги авариялар, кимёвий авариялар бошқалар) ҳолатлар содир бўлган даврда ходимлар иш фаолиятини тегишли буйруқлар асосида масофавий иш усулида, мослашувчан иш графиги асосида ёки уйда ишлаш тизимига ўтказиш жорий этилиши мумкин.

**2.1.3.36.** Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўкувчилар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, аёллар ва оиласий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахслар учун имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг XIV - боби талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланади.

**2.1.3.37.** Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш хафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Тўлиқсиз иш вақти ўрнатиш учун асослар рўйхати жамоа шартномаларида белгиланади.

**2.1.3.38.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган “Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик қўшимча таътилининг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иклим шароитлари оғир ва нокулай бўлган жойлар Рўйхати”да

кўрсатилмаган табиий-икълим шароитлари ноқулай бўлган айrim жойларда ишлаганлик учун устамалар ва қўшимча таътиллар қўлланилиши тўғрисидаги шартларни нобудежт ташкилотларнинг жамоа келишувлари ва шартномаларида назарда тутиш тавсия этилади.

**2.1.3.39.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли ишларнинг айrim технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг микдори тўғрисида Низом” талаблари тадбиқ қилинишини;

Кўчма ва қатнаш тусдаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек устамалар микдори иш берувчилар томонидан касаба уюшма қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасида кўрсатилишини;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, ҳамда Ўзбекистон автомобиль транспорт агентлигининг 2019 йил 22 январдаги 2-2019/КҚ ва 1/103-сон қарор билан тасдиқланган “Автомабил транспорти ҳайдовчилари меҳнатга ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги Низом” талаблари тадбиқ қилинишини тавсия этиш.

**2.1.3.40.** Нархларнинг ўзгариб боришига, инфляция даражасига, келишувларда белгилаб қўйилган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми жамоа шартномаларида белгиланади.

## 2.1.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш

**2.1.4.1.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 9-боби талабларига риоя қилинишини таъминланади.

**2.1.4.2.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ўз вақтида меҳнатга ҳақ тўлаш микдорларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси (ЯТС) разрядларига мувофиқ қайта қўриб чиқиш. ЯТСнинг “1” разряди бошланғич разряд ҳисобланади.

**2.1.4.3.** Корхонада меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалда бўлган ягона тариф сеткаси «1» разряди бўйича ойлик тариф ставкасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ -5723 сонли Фармонига мувофиқ, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдоридан (келгуси ўринларда МҲЭКМ) кам бўлмаслигини таъминлаш. (МКнинг 155-моддаси).

**2.1.4.4.** Тармоқ тизимида барча корхона ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакли ва тизими, турли устамалар, мукофотлар, қўшимча ва компенсация тўловларининг аниқ микдорлари амалдаги қонунчилик хужжатларига асосан ишлаб чиқилган, касаба уюшма қўмиталари билан келишилган ички меъёрий хужжатларга мувофиқ белгиланади ва жамоа шартномаларида мустаҳкамлаб қўйилади. Меҳнат муносабатларига оид

тармоқ миқёсидаги раҳбарий хужжатлар (RH) касаба уюшма Республика кенгаши билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

Ходимларнинг лавозим маошлари ва тариф ставкалари меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тармоқ миқёсида қабул қилинган ягона тариф сеткаларига (ЯТС) мувофиқ белгиланади.

**2.1.4.5.** Меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тизими, шакли ва шартларини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг ходимлар ахволини нокулай томонга ўзгартирадиган янги тизими ва шаклини киритиш камида икки ой олдин ходимларнинг албатта розилигини олиш шарти билан ҳамда касаба уюшма кўмитаси билан расман келишилган ҳолда амалга оширилади.

Мукофот хисобот ойида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бажарилиши натижаларига кўра ҳисобланади.

Мукофот хисобот ойи учун, кейинги ойда ҳисоботлар топширилгандан кейин берилади. Унинг миқдори ҳаражатлар сметасига киритилиб, умумий иш ҳақи фонди доирасида ҳисобланади.

**2.1.4.6.** Ҳар бир ходимга хисобот давридаги иш ҳақидан келиб чиқиб, ҳақиқатда ишлаган вақти ва қўлга киритилган умумий натижаларга қўшган ҳиссасига мутаносиб равишида мукофот ҳисобланади.

**2.1.4.7.** Умумий меҳнат натижалари учун мукофот миқдорларини камайтириш сабаблари кўрсатилиб, раҳбар буйруғи билан расмийлаштирилади.

**2.1.4.8.** Касаллик туфайли, нафақага чиқиш, ҳарбий хизматга чақирилиши, ўқишига кириши, штатлар жадвали қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилган ходимлар бир ойдан кам ишлаган бўлсалар, ишлаган кунларига мутаносиб тарзда мукофот ҳисобланади.

**2.1.4.9.** Мукофот штатлар жадвали бўйича тасдиқланган иш ҳақидан келиб чиқиб ишлаган кунларига мутаносиб равишида ҳисоблаб берилади.

**2.1.4.10.** Қуйидаги ҳолатларда алоҳида ходимлар учун мукофот миқдори 100 фоизгача камайтирилиши мумкин:

- муҳим ва назорат остидаги топшириқларни ўз вақтида бажармаганлиги учун 30 - 50 фоизгача;
- чорак ва йиллик ҳисоботларни ўз вақтида топширмаганлиги учун 50-100 фоизгача;
- бир маротаба меҳнат интизомини бузганлиги учун 30 – 50 фоизгача;
- такроран меҳнат интизомини бузганлиги учун 100 фоизгача.

**2.1.4.11.** Ходимнинг айбисиз юзага келган бўш туриб қолишлиар учун ўртача иш ҳақининг сакланишини таъминланади.

**2.1.4.12.** Тизимдаги корхоналар раҳбарларига бевосита тармоқ тизимида амалий фаолият билан шугулланаётган ходимларга қуидаги миқдорларда кўшимча тўловлар тўлаш ҳукуқини бериш:

- «Халқ» ва «Хизмат кўрсатган арбоб» фахрий унвонлари эгалари учун Республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорини (кейинги ўринларда БХМ) 3 баравари, «Хизмат кўрсатган» фахрий унвони сохиблари учун БХМнинг 1,6 баравари миқдорида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007йил 17 декабрдаги ПФ-3942 сонли Фармони);

- «Фан доктори» илмий даражасига эга бўлганларга МХЭКМнинг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда, «Фан номзоди» илмий даражасига эга бўлганларга МХЭКМнинг 0,5 бараваридан кам бўлмаган миқдорда.

Автотранспорт ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 23.01.2019 й. 3130-рақам билан рўйхатга олинган «Автомобиль транспорт ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низом»га мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш.

**2.1.4.13.** Тармоқ тизимида кадрлар қўнимсизлигига йўл қўймаслик, ходимларнинг ишдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида уларнинг меҳнат стажларини инобатга олган ҳолда “Кўп йил ишлагани учун тўлов тўлаш тўғрисида”ги Низомига мувофиқ ҳақ тўлаш.

**2.1.4.14.** МК 161-моддаси талабларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида иш ҳақидан қарздорликка йўл қўймаслик борасида ўз вақтида чоралар кўрилади.

**2.1.4.15.** Тармоқ тизимида кадрлар қўнимсизлигига йўл қўймаслик, ходимларнинг ишдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида уларнинг меҳнат стажларини инобатга олган ҳолда “Хизмат қилган йиллари учун рағбатлантириш” низомини ишлаб чиқиш ҳамда барча корхона ва ташкилотларда жорий қилиш.

**2.1.4.16.** Дам олиш ва байрам кунларидағи, ишдан ташқари вақтдаги ишлар учун икки баробардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланишини ёки бир баробар ҳақ тўлаган ҳолда дам олиш кунлари (отгул) берилишини таъминлаш.

**2.1.4.17.** Тунги вақтдаги (соат 22-00 дан то 6-00 гача) ишнинг ҳар бир соати учун бир ярим баробар миқдорда ҳақ тўланади (МК 158 моддаси).

**2.1.4.18.** Меҳнат кодексининг 171, 172 ва 173-моддаларида кўзда тутилган харажатлар ходим томонидан тегишли хужжатлар тақдим этилганда жамоа шартномаларида белгиланган тартибда ва миқдорларда қопланишини таъминланади.

**2.1.4.19.** Ходимларга иш ҳақи ҳар ярим ойда бир марта жамоа шартномасида белгилаб қўйилган кунда тўланади.

**2.1.4.20.** Ходимларга иш ҳақи тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан корхонанинг депозит ҳисоб рақамида маблағ йўқлиги сабабли

кечиктирилганда - Иш берувчи иш ҳақини тўлаш учун банкдан кредит олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**2.1.4.22.** Корхона раҳбарияти айби билан иш ҳақи тўловлари кечиктирилганда раҳбарларга нисбатан мукофотдан маҳрум этиш ва ўртача ойлик иш ҳақининг 30%дан 50%гacha жарима солиш чоралари қўлланилади.

**2.1.4.23.** Ишлаб чиқариш ва ишлаб-чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳа ходимлари учун тармоқ миқёсида амалда бўлган ЯТСнинг «1» разряди миқдорини Республикада белгиланган ягона тариф сеткасининг «1» разряди миқдоридан кам бўлмаслиги таъминланади.

**2.1.4.24.** Молиявий имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда номинал иш ҳақи миқдорини ошириш масалаларини кўриб чиқиши ва тармоқ миқёсида ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини (барча тўловлар ва устамаларни инобатга олган ҳолда) Республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг З баробаридан кам бўлмаган миқдоргача етказилади.

**2.1.4.25.** Мехнатга ҳақ тўлаш жамғармасида (фондида) тариф қисмининг улуши 50 %дан кам бўлмаслигини таъминлаш.

**2.1.4.26.** Ўзбекистон Республикаси худудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилди (рўйхат рақами: 1268-1, 13.09.2019 й.).

- Йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаган хизмат сафарида бўлган бюджет ташкилоти ходимларига ҳар бир километрга базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ)\*нинг 0,08 фоиз миқдорида йўл харажати тўланади (илгари бу масалани белгиланган талаблар асосида корхона раҳбарининг ўзи ҳал қилган).

- Бошқа ташкилот ходимларига жамоа шартномаси ёки меҳнат шартномасида белгиланган миқдорларда бироқ, ҳар бир километрга БҲМнинг 0,08 фоизидан кам бўлмаган миқдорда йўл ҳақи тўланади.

- Шунингдек, меҳмонхоналарнинг люкс-номерларида яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда, ушбу номер қийматининг 70 фоизигача миқдори корхона маблағлари ҳисобидан, қолган қисми эса ходимнинг ўз ҳисобидан.

- Хизмат сафарида ижарада турганлик бўйича ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, ҳар бир сутка учун БҲМнинг 20 фоизи миқдорида харажатлар қопланади (илгари энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида қопланган

**2.1.4.27.** Иш берувчи томонидан МК 172-моддасига мувофик, бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда қуидагилар тўланиши лозим:

- кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ харажатлар;
- янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ харажатлар;

- ходим томонидан иш берувчи билан келишиб қилинган бошқа харажатлар.

**2.1.4.28.** Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун тўланадиган компенсация тўловларини «Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларини Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари учун маблағ бериш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2015 йил 19 ноябрдаги 2730-сони билан рўйхатдан ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 2015 йил 19 октябрдаги 92-сонли буйруғи билан тасдиқланган) амалга ошириш.

**2.1.4.29.** Ходим давлат ёки жамоат вазифаларини, иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажаришда ҳамда жамият манфаатларига доир харакатлар қилганда ана шу вазифаларни бажариш вақтида унинг ўртача иш ҳақи сақланади (МК 165, 166, 167-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1997 й. 133-сонли қарори 5-иловаси).

**2.1.4.30.** Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 180-моддасига биноан меҳнат учун рағбатлантириш барча корхоналарда “Худудий электр тармоқлари” АЖ ходимларини рағбатлантириш тўғрисида Низом”га асосан амалга оширилади.

**2.1.4.31.** Тарафлар аёлларнинг меҳнат хукуqlари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвециясига риоя этишни ўз зиммаларига оладилар.

**2.1.4.32.** Тармоқ миқёсида амалда бўлган Низомларга мувофиқ тегишли тўловлар амалга оширилади.

**2.1.4.33.** Жамоа шартномасида бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик, ўриндошлиқ асосида ишлаганлик учун ходимларнинг меҳнат ҳақи микдори иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси келишувига асосан белгиланади.(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўриндошлиқ асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг II бўлими («Меҳнатга ҳақ тўлаш») ва 23-25-бандлари.)

**2.1.4.34.** Автотранспорт ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 23.01.2019 й. 3130-ракам билан рўйхатга олинган «Автомобиль транспорт ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низом»га мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш.

**2.1.4.35.** Мехнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишиларга йўл кўймаслик чораларини кўриш.

**2.1.4.36.** Хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларийи белгилашни иш берувчи билан касаба ўюшмасиниг қўшимча қарори орқали амалга ошириш.

**2.1.4.37.** Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 йил 30 августда Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тенг ахамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 1951 йилги 100-Конвенцияси ратификация қилинган Ушбу конвенция қоидаларига мувофиқ “Ҳақ тўлаш” атамаси иш берувчи томонидан меҳнаткашга унинг бирор-бир ишни бажарганлиги эвазига бевосита ёки билвосита пул ёки маҳсулот тарзида тўланадиган оддий, асосий ёки энг кам миқдордаги маош ҳамда бошқа хар қандай қўшимча тўловлардан иборат.

Жинсидан қатъий назар бажариладиган ишни холис баҳолашдан келиб чиқадиган фарқга мос бўлган иш хақи ставкаларидағи фарқга тенг ахамиятли меҳнат учун эркаклар ва аёлларни тенг рағбатлантириш принципига зид келувчи фарқ сифатида каралмайди.

Шу билан бир қаторда, эркак ва аёллар томонидан турли шароитларда, турли кўникма ва малака билан, турли кўринишдаги, жавобгарлиги бир-бирига боғлиқ бўлмаган, лекин бир хил қийматга эга бўлган ишлар тенг миқдорда рағбатлантирилади. (Касблар рўйхати жамоа шартномаларида белгиланади)

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Тарафлар аёлларнинг меҳнат хукуқлари ва ижтимоий кафолатларни таъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тенг ахамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенцияга оғишмай риоя этадилар.

## 2.1.5. Меҳнатни муҳофаза қилиш

### 2.1.5.1. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида:

а) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини, саноат ҳавфсизлиги, атроф-муҳит муҳофазаси, давлат ва тармоқ стандартлари ҳамда меъёрларининг бажарилишини таъминлаш. Саноат ҳавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимини мамлакат ва хориждаги энг илгор тажрибалар асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил қилиш, хужжатларни давлат стандарти ГОСТ 12.0.230-2007 талабларига мувофиқ расмийлаштириш;

б) ишлаб чиқариш фаолиятини қонунчилик талаблари ва “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан саноат ҳавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қабул қилинган талаблар, амалий ва режалаштирилган фаолиятдаги ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва кўрсатилаётган хизматлардаги

фаолиятдаги ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва кўрсатилаётган хизматлардаги юқори даражали саноат хатарларини инобатга олган ҳолда режалаштириш ва амалга ошириш;

в) авариявий ҳолатларни олдини олиш бўйича амалий ва барча мавжуд чора-тадбирларни бажариш, авариялар содир бўлган ҳолатда эса, ходимлар саломатлиги, атроф-муҳит ва мол-мулкка таъсири оқибатларини юмшатиш чораларини кўриш;

г) тармоқ ходимлари, корхоналар ва акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқариш обьектларида иш олиб борувчи пурратчилардан саноат ҳавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тармоқ миқёсида қабул қилинган тегишли стандартлар ва меъёрларга риоя қилишларини талаб қилиш;

д) “Худудий электр тармоқлари” АЖ тизимидағи барча корхоналар ходимларини саноат хатарларини аниқлаш ва бошқаришда фаол иштирок этишга жалб қилиш. Бу борада акциядорлик жамияти ижроия аппарати ва ишлаб чиқариш обьектлари ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ва рағбатлантириш чораларини амалга ошириш;

е) зарурат туғилганда “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг саноат ҳавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатини қайта кўриб чиқиш, тузатишлар киритиш ва такомиллаштириш;

ж) жамиятнинг саноат ҳавфсизлиги, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид сиёсатдаги барча ўзгаришларни ходимларга, меҳнат жамоасига, хокимиятнинг ижро органларига, назорат органларига, шериклар ва бошқа манбаатдор томонларга етказиш;

з) меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси, ҳавфсизлик техникасига оид фаолият бўйича акционерлар ва меҳнат жамоаси олдида вақти-вақти билан йилда камида икки марта ҳисботлар бериб бориш;

и) жамиятнинг барча ходимларидан ҳавфсизлик техникаси, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ишларни амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширишни талаб қилиш.

**2.1.5.2.** Касаба уюшма Республика кенгаши билан хамкорликда “Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касбий касалланишни олдини олиш бўйича тармоқ дастури”ни ишлаб чиқиш ҳамда унда белгиланган тадбирларни тўла ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш.

### **2.1.5.3. Куйидагиларнинг амалга оширилишини таъминлаш:**

а) “Ҳавфли ишлаб чиқариш обьектларининг саноат ҳавфсизлиги соҳасида фаолият юритувчи корхона ва ташкилотлар учун саноат ҳавфсизлигининг умумий талаблари”га сўзсиз риоя қилинишини;

б) тасарруфдаги корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-хукуқий актлари ва саноат ҳавфсизлиги талабларини белгиловчи меъёрий-техник хужжатлар, тегишли услубий ва ташкилий хужжатларнинг мавжудлигини;

в) иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш бўйича шартномалар тузилишини (Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Махкамасининг 24.06.2009 й. 177-сонли қарори);

г) тармоқ тизимидағи ҳар бир корхонада меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун зарур бўлган ва жамоа шартномалари орқали белгиланадиган маблағларнинг ажратилишини (ишлаб чиқаришга сарфланадиган умумий харажатларнинг камида 0,2% миқдорида);

д) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг қоладиган корхона фойдаси хисобидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари ва қонунчиликка мувофиқ бошқа тушумлар хисобидан меҳнат муҳофазаси жамғармаси ташкил қилинишини (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 12.11.2008й. 245-сонли қарори);

е) мақоми бўйича корхонанинг асосий хизмат бўлинмаларига тенглаштирилган меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси, йўл харакати хавфсизлиги хизматининг (мутахассисларининг) фаолиятини касаба уюшма қўмитаси билан келишилган низомларга мувофиқ ташкил қилинишини;

ж) тармоқ корхоналари таркибий бўлинмаларининг барча тоифадаги ходимлари, пудратчилар вакиллари ва иш майдонларига таъриф буюрувчилар учун шахсий ҳимоя воситалари, маҳсус кийим ва маҳсус пойафзалларга қўйиладиган талабларга жавоб берадиган корпоратив стандартларни жорий этиш.

з) тасарруфдаги корхоналарда ва унинг таркибий тузилмасида уч босқичли меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан маъмурий-жамоатчилик назорати олиб бориш;

и) меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳакида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

**2.1.5.4.** Ишлаб чиқаришда юз берган баҳтсиз ходисаларда касбий касалланиш ёки ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганда иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақалар ҳамда заарларни қоплаш тўловларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 11.02.2005 йилдаги 60-сонли “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган заарни тўлаш Қоидалари»да белгиланган миқдорларда ва тартибда тўлаш.

**2.1.5.5.** Хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда шикастланиш, касбий касалланиш ёки саломатлигига бошқа заар етиши сабабли ходим вафот этганда унинг оиласига олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла нафақа тўлаш.

**2.1.5.6.** Тармоқ ходимларини меъёрий ҳужжатларда ҳамда жамоа шартномаларида кўзда тутилган куйидаги кафолатлар билан таъминлаш:

- касблар ва лавозимлар рўйхатига мувофиқ маҳсус кийим-бош, маҳсус пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини бепул бериш;
- санитария-майший хоналарни талаб даражасида сақлаш;
- оғир ва зарарли меҳнат шароитларини аниқлаш мақсадида иш жойларини камида 5 йилда бир марта, зарурат туғилганда эса муддатидан олдин аттестациядан ўтказиш;
- иш юзасидан ювиниш такозо этиладиган ишларда – белгиланган нормаларда бепул совун бериш;
- “Сут истеъмол қилиш тавсия қилинадиган ишлар рўйхати”га асосан бепул сут ёки унга тенглаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари бериш.

**2.1.5.7.** Корхоналарга янги ишга қабул қилинган лицей ва коллежларни битирган ёш мутахассисларга меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, ёнғин хавфсизлиги, саноат хавфсизлиги ва саноат санитарияси қоидалари бўйича кириш йўл-йўриқларини бериш.

**2.1.5.8.** Корхоналарга янги ишга қабул қилинган лицей ва коллежларни битирган ёш мутахассисларни дастлабки тиббий кўриқдан ўтказиш, уларни маҳсус кийим, маҳсус пойафзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан ўз вақтида таъминлаш.

**2.1.5.9.** Касаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида вакилликни, шунингдек ходимларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширади.

Касаба уюшмаси Республика кенгаши билан ҳамкорликда куйидагиларни амалга ошириш:

а) Ходимларнинг меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ўқитилишини ҳамда уларнинг шу масалалар бўйича йўриқномалар, қоидалар ва нормаларга оид билимлари текширилишини ташкил қилиш;

б) Тармоқнинг “Меҳнатни муҳофаза қилиш ва саноат хавфсизлигини бошқаришнинг ягона тизими”ни касаба уюшмаси Республика кенгаши билан келишилган ҳолда ишлаб чиқиш ва зарурият бўлганда тегишли қўшимча ва ўзгартириш киритиб бориш.

в) Меҳнат муҳофазасига оид меъёрий-техник ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2000 йил 7 январдаги 870-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги Низом” асосида қайта кўриб чиқилишини ташкил қилиш, корхона ва ташкилотларни мазкур ҳужжатлар билан таъминлаш ва жойларда уларга риоя қилинишини назорат қилиб бориш;

г) Меҳнат муҳофазаси бўйича корхоналардаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва уларни кенг жорий қилиш;

- д) “Мехнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови”ни ўтказиб бориш;
- е) ташкилотларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнат шароитлари ва муҳофазаси тўғрисида, шунингдек ишлаб чиқаришдаги барча баҳтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиш;
- ж) ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш;
- з) ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек меҳнатни муҳофaza қилишга оид талабларнинг бузилишларини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритиш;
- и) меҳнатни муҳофaza қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофaza қилиш бўйича мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиш;
- й) ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этиш, тиббий-мехнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этиш;
- к) меҳнатни муҳофaza қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;
- л) меҳнатни муҳофaza қилишга оид талабларни бузганликда, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар фактларини яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат қилиш;
- м) меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли етказилган заарнинг ўрни қопланиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиғи ва меҳнатни муҳофaza қилинишига бўлган хукуқлари чекланган бошқа ҳолларда ходимнинг хукуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этиш;
- н) меҳнатни муҳофaza қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаларида ва келишувларида назарда тутилган мажбуриятлар бузилганлиги, шунингдек меҳнат шароитларининг ўзгариши билан боғлиқ меҳнат низоларини кўриб чиқишида иштирок этиш.

**2.1.5.10. Ходимларнинг ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминлаш** (МК 214-модда, “Мехнатни муҳофaza қилиш тўғрисида”ги қонун 24-модда).

**2.1.5.11. Регресс даъволари бўйича заарларни қоплаш тўловларни ўз вақтида ҳисоблаш ва амалга ошириш.**

**2.1.5.12. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларини ўз вақтида кузги-қишиги мавсумга тайёрлаш чораларини кўриш,**

**2.1.5.13.** Мехнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакилларни белгиланган муддатларда ўқитиш, фаолиятига кўмаклашиш ва фаол вакилларни рағбатлантириш.

**2.1.5.14.** Касаба уюшма ташкилотининг сайланма органига меҳнат муҳофазаси бўйича тузилган битимнинг бажарилиши тўғрисида ахборотлар бериш.

**2.1.5.15.** Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик жараёнларни амалга ошириш чоғида, шунингдек ишлаб чиқаришда хом ашё ва материалларни кўллаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг хавфезизлигини таъминлаш.

**2.1.5.16.** Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофaza қилиш тўғрисида”ги қонунинг 12-моддаси талабларига асосан, ходимларнинг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган хар бир ташкилотда меҳнатни муҳофaza қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофaza қилиш хизматини ташкил этади ёки меҳнатни муҳофaza қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозимини жорий этади.

**2.1.5.17.** Меҳнатни муҳофaza қилиш бўйича вакил этилган шахсга ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камида икки соат иш вақти ажратилади ва бу вақт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш хақи сақланади. (Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофaza қилиш тўғрисида”ги қонунинг 31-моддаси).

## 2.1.6. Йжтимоий имтиёзлар ва кафолатлар

**2.1.6.1.** Корхоналарда жамоа шартномалари орқали Меҳнат кодексининг қуйидаги моддаларида назарда тутилган кафолатларга риоя этилишини ва имтиёзлар берилишини таъминлаш:

- 1941-1945 йиллардаги уруп қатнашчилари ва имтиёзлари бўйича уларга тенглантирилган шахслар учун (103, 144, 150-моддалар);
- атом объектларидаги фалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчилари ва уларга тенглантирилган шахслар учун (103-модда);
- ногиронлари учун (68, 135, 144, 150, 214, 220-моддалар).

**2.1.6.2.** Қуйидаги ҳолларда “Худудий электр тармоқлари” АЖ раҳбарий хужокатига мувофиқ ходимларга меҳнат таътилига қўшимча ҳақ тўлаш ҳамда моддий ёрдам кўрсатиш амалга оширилади:

- меҳнат таътилига чиқишида;
- даволаниш зарурати юзага келганда;
- моддий ахволи оғирлашганда;
- қўшиш - яқин қариндошларининг (ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, фарзанди ва турмуш ўртоғи) дағн маросимида;

- ходим биринчи марта никоҳ тўйи муносабати билан;
- жароҳат олганда.

**2.1.6.3.** Корхоналарнинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб ходимларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш (қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар учун имтиёзли кредитлар олингандан, уларнинг дастлабки бадал тўлови доирасида) ва бошқа ижтимоий эҳтиёжлари учун қайтариш асосида ходимларнинг аризаларига мувофиқ "Худудий электр тармоқлари" АЖ томонидан белгиланган тартибда ссуда берилади (ходимнинг аризаси ва тегишли ҳужжатлар тақдим этилганда).

Кам таъминланган ходимлар ва уларнинг фарзандлари контракт асосида ўқиши учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) корхона томонидан кўпи билан икки ойда қайтариш асосида уларнинг аризаларига мувофиқ ўкув юртларига маблағлар ўтказилади.

**2.1.6.4.** Табиий офатлардан зарар кўрган ходимларга зарап микдорини инобатга олган ҳолда белгиланган микдорда мавжуд маблағлар доирасида бир йўла моддий ёрдам кўрсатиш.

**2.1.6.5.** Жамият тизимидан пенсияга чиқсан ишламаётган уруш фахрийларига республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдорининг 2 баробари микдорида бир йўла моддий ёрдам бериш.

**2.1.6.6.** Бола тарбияси муносабати билан таътилга чиқаётган аёлларга республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдорининг 1,2 баробари микдорида бир йўла моддий ёрдам бериш.

**2.1.6.7.** Табиий офатлардан зарар кўрган ходимларга зарап микдорини инобатга олган ҳолда белгиланган микдорда мавжуд маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикасида белгиланган **Мехнатга ҳақ тўлаш** энг кам микдори **1,4 баробаригача** бир йўла моддий ёрдам кўрсатилади.

**2.1.6.8.** "Хотира ва қадрлаш куни" муносабати билан ишлаётган уруш фахрийларига Республикада ўрнатилган **Мехнатга ҳақ тўлаш** энг кам микдори **1 баробари**, уларга тенглаштирилган шахсларга **1 баробари** микдорида бир йўла моддий ёрдам берилади.

**2.1.6.9.** Ходим вафот этганда унинг оиласига Республикада белгиланган **Мехнатга ҳақ тўлаш** энг кам микдори **4,1 баробаригача** микдорда ва тизимда ишлаб пенсияга чиқсан пенсионер вафот этганда Республикада ўрнатилган **Мехнатга ҳақ тўлаш** энг кам микдори **4,1 баробари** микдорида бир йўла моддий ёрдам берилади.

**2.1.6.10.** Икки ва ундан ортиқ мактаб ёшидаги фарзанди бўлган ходим оиласда ёлғиз бокувчи она бўлса, янги ўкув йили арафасида ҳар бир ўқувчига харид қилинадиган дарсликлар ва ўкув қуроллари қийматини иш берувчи ҳамда касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

**2.1.6.11.** Ходимларнинг овқатланиш ҳаражатларини ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш микдорининг бир баробари микдорида қопланади. (МРОТ 33%)

**2.1.6.12.** Ҳар бир ходим учун қиши мавсумга харид қиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қийматини Ўзбекистон Республикасида белгиланган **Мехнатга хақ тўлаш энг кам микдори** 2 баробари микдоригача компенсация қилинади.

**2.1.6.13.** Мураккаб жарроҳлик операцияларига ва стационар даволанишга муҳтож ходимлар учун тиббий хизмат ҳаражатларининг тўлиқ ёки қисман қийматини тўлаш. Бунда ходимга касаба уюшмаси ҳамда корхона маблағлари ажратилиди (тегишли ҳужжатлар тақдим этилганда).

**2.1.6.14.** Тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида сурункали хасталикни орттирган bemor ходимлар учун ёки МТЭК хulosаси бўйича санатория-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини 50%ни компенсация қилинади.

**2.1.6.15.** Уруш ва меҳнат ногиронлари, байналминалчи жангчилар, сурункали bemorлар ва Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида даволанишга (МДХ давлатларида) ўта муҳтож ходимлар учун санатория-курортларига бориб келиш йўлкира ҳаражатларининг ярми қопланади.

**2.1.6.16.** Ходим, шунингдек унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари) вафот этганда дағн маросимлари учун корхона ҳисобидан транспорт хизматини кўрсатиш. Биттадан автобус ва юк машинаси ажратилиши мумкин.

**2.1.6.17.** Ходим пенсияга чиқиши муносабати билан ишдан кетаётганда уни «Худудий электр тармоқлари» раҳбарий ҳужжатида белгиланган тартибда ва микдорда бир йўла рағбатлантириш.

**2.1.6.18.** Юбилей ёшига етган ишлаётган ходимларни «Худудий электр тармоқлари» АЖ раҳбарий ҳужжатига мувофиқ рағбатлантирилади.

**2.1.6.19.** Тизимдаги ижтимоий ва соғликни сақлаш муассасалари учун (санатория-профилакториялар, пансионатлар, дам олиш зоналари, болалар оромгоҳлари, тиббий муассасалар ва ҳ.к.) ўрнатилган тартибда маблағлар ажратилиши таъминланади.

**2.1.6.20.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторияларда, санатория-профилакторияларда, дам олиш масканларида ҳамда болаларни оромгоҳларда соғломлаштириш учун корхоналар молиявий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда маблағ ажратиш. Маблағларни ажратиш тартиби ва микдори жамоа шартномалари орали белгиланади.

келиб чиққан ҳолда маблағ ажратиш. Маблағларни ажратиш тартиби ва микдори жамоа шартномалари орали белгиланади.

**2.1.6.21.** Оғир хасталикка чалинган “Энергетика фахрийси” унвонига эга бўлган ёлғиз пенсионерларнинг стационар даволаниш харажатларини корхона маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси томонидан аниқланадиган микдорларда қопланади.

**2.1.6.22.** Тизимда камида 10 йил ишлаб тизим таркибидаги корхоналардан пенсияга чиққан, ишламаётган пенсионерларга аризаларига мувофиқ йўлланма қийматини қисман (50%гача) тўлаш шарти билан корхона имкониятларидан келиб чиққан ҳолда имтиёзли йўлланмалар ажратилади.

**2.1.6.23.** Қишлоқ шароитларида яшовчи кам таъминланган оиласлар учун қишки мавсумда 1 тоннагача кўмир чакана нархининг 50%ни тўланади.

**2.1.6.24.** “Худудий электр тармоклари” АЖ тизимидағи корхоналар ходимларининг фарзандларини энергетика ва тармоқ тизимиға керакли бошқа мутахассисликлар бўйича контракт асосида Республика олий ўкув юртларига ўқишга жўнатилади.

**2.1.6.25.** “Ёши улуг инсонлар, ёлғиз кексалар ва имконияти чекланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш дастури”ни амалга оширишга хар томонлама кўмаклашилади.

**2.1.6.26.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги “Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича варагалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 71-сонли қарорига мувофиқ, куйидаги микдорларда нафақа тўланади:

- иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, байналминал-жангчилар ва уларга тенглаштирилган шахслар, қарамоғида 16 ёшга етмаган (18 ёшгacha ўкувчилар) уч ва ундан ортиқ фарзанди бўлган шахслар, Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишида иштирок этганлар ва шу ҳалокат натижасида радиактив заарланган зоналардан эвакуация қилинганлар ва кўчирилганлар, оғир касалликлар (ўтқир лейкоз, аденона, саратон)га дучор бўлганлар, ҳарбий хизматни ядрорий полигоналар ва бошқа радиактив-ядровий обьектларда ўтаган пенсия ёшидаги ногирон-ходимларга, шунингдек меҳнат жароҳати ва касбий касаллик оқибатида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўлган ходимларга – тўлиқ иш ҳаки микдорида;

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича рўйхатда турган ходимларга умумий иш стажига боғлиқ ҳолда – иш ҳақининг 80%дан 100%гача;

- бошқа ҳолатларда умумий иш стажига боғлиқ ҳолда – иш ҳақининг 60%дан 80%гача.

**2.1.6.27.** Молиявий имкониятдан келиб чиқиб, Республикада белгиланган байрам кунлари муносабати билан ходимлар бир лавозим маопи микдорида бир йўла мукофотланади.

**2.1.6.28.** Вақтингалик мөхнатга лаёқатсизлик варақалари бўйича қуийдаги миқдорларда нафақа тўлаш:

иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, байнаминал-жангчилар ва уларга тенглаштирилган шахслар, қарамоғида 16 ёшга етмаган (18 ёшгача ўкувчилар) уч ва ундан ортиқ фарзанди бўлган шахслар, Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этганлар ва шу ҳалокат натижасида радиактив зааралangan зоналардан эвакуация қилингандар ва кўчирилгандар, оғир касалликларга (ўткир лейкоз, adenoma, саратон) дучор бўлганлар, ҳарбий хизматни ядрорий полигонлар ва бошқа радиактив-ядровий объектларда ўтаган пенсия ёшидаги ногирон-ходимларга, шунингдек мөхнат жароҳати ва касбий касаллик оқибатида вақтингалик мөхнатга лаёқатсизлик бўлган ходимларга – тўлиқ иш ҳақи миқдорида;

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича рўйхатда турган ходимларга умумий иш стажига боғлиқ ҳолда – иш ҳақининг 60 фойиздан 100 фойизгача;

бошқа ҳолатларда умумий иш стажига боғлиқ ҳолда – иш ҳақининг 60 фойиздан 80 фойизгача.

**2.1.6.29.** Ходимларга овқатланиш учун ҳар ой республикада белгиланган мөхнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорида маблағ тўлаш.

**2.1.6.30.** Ҳомиладор аёлларнинг декрет таътиллари (туғишгача ва туғишдан кейин) учун корхоналар хисобидан ҳақ тўлаш.

**2.1.6.31.** жамоа шартномаларига иш берувчилар томонидан ходимлар учун йилига бир маротаба маҳаллий саёҳатга чиқиш имконини яратиш қоидалари киритилади;

саёҳат харажатларининг бир қисми иш берувчиларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қоплаб берилади.

## **2.1.7. Мехнат низоларини хал этиш.**

**2.1.7.1.** Корхоналар жамоа шартномаларида мөхнат низолари комиссияларини тузиш назарда тутилади.

**2.1.7.2.** Мөхнат низолари комиссияси ўз фаолиятини қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган (12.01.2015 й., 20-66 с, 15.01.2015 й., 01-СП), Мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган тавсияларга асосан ишлаб чиқилган Низомга мувофиқ олиб боради.

**2.1.7.3.** Касаба уюшмалари томонидан аниқланган қонунбузарликлар мансабдор шахслар томонидан бартараф этилмаган холатларда, юридик шахсларнинг юқори органлари билан ижтимоий шериклик ва мулоқот асосида

ходимларнинг меҳнат хукуқларини судгача химоя қилиш тизими жорий этилади.

#### **2.1.8. Ижтимоий шериклик. Касаба уюшмаси фаолиятининг кафолатларига риоя этилиши.**

**2.1.8.1.** “Худудий электр тармоқлари” АЖ касаба уюшма Республика кенгашини тармоқ ходимларининг ижтимоий-иктисодий манфаатларини ифодаловчи ягона вакили деб тан олади.

**2.1.8.2.** Корхоналар касаба уюшма қўмиталари ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун уларни зарур бўлган жиҳозланган хоналар ва алоқа воситалари билан таъминланади.

**2.1.8.3.** Асосий ишидан озод қилинмаган касаба уюшма сайланма органлари аъзоларига жамоат ишларини бажариш учун ўртacha иш ҳақларини сақлаган ҳолда касаба уюшмаларига оид мажбуриятларни бажариш вақти иш ҳафтаси соатлари ёонининг 30 фойизидан кам бўймаслиги таъминланади (Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Конунининг 18 моддаси).

**2.1.8.4.** Касаба уюшма органлари штатидаги ходимларга (асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма қўмитаси раиси ва қўмита ходимлари) моддий рағбатлантириш, хўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун мукофотлар ҳамда кўп йиллик ишлагани учун тўловлар (тизимда ишлаган иш стажи учун) корхона маблағлари ҳисобидан тегинсли раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларга тўланадиган микдорларда тўланади.

**2.1.8.5.** Касаба уюшма сайланма органларидаги лавозимларга сайланганликлари туфайли асосий ишидан озод қилинган ходимларга сайлов ваколатлари тугагандан сўнг аввалги ўз ишини (лавозимини) ёки шунга тенг келадиган бошқа иш (лавозим) берилади.

Шу мақсадда, ходим корхона меҳнат жамоаси вакиллик органининг асосий ишдан озод этилган сайланма лавозимига (касаба уюшма қўмитаси раислигига) сайланган тақдирда унинг олдинги лавозимига бошқа шахсларни ишга қабул қилиндида улар билан муддатли меҳнат шартномаси тузилади (сайланма органинг ваколат муддати даврига).

**2.1.8.6.** Куйидаги мақсадлар учун корхона ва ташкилотлар касаба уюшма қўмиталари ҳисобига ҳар ойда корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 1 % микдорида маблағлар ўтказилишини таъминланади. (Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Конунининг 18-моддаси):

- маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш ва ривожлантириш учун;
- тармоқ ходимларини ижтимоий кўллаб-куватлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш учун;

- уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали ва кам таъминланган оилалар ҳамда даволанишга муҳтож ходимларни зарурат туғилгандан керакли санатория-курорт йўлланмалари билан таъминлаш учун;
- республика ҳудудидаги тарихий қадамжоларга саёҳатлар ташкил этиш, концертлар, театрларга чипталар ва истироҳат боғларига таклифномалар харид қилиш;
- **Касаба уюшмаси қўмитасининг** штатдаги ходимларига қўшимча ҳақ тўлаш ва бошқа мақсадлар учун **Касаба уюшмаси қўмитаси** хисоб рақамига ўтказиш мажбуриятини олиш;
- касаба уюшмаларининг маъмурий –хўжалик ҳаражатлари учун.

(Бунда ўтказиладиган маблағларнинг юқоридаги мақсадлар учун тақсимланиш микдорлари жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади).

**2.1.8.7.** Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган меҳнаткашлар вакилларига интизомий жазо чораларини кўллаш, улар билан иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш амаллари Мехнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонуни ҳамда Халқаро Мехнат Ташкилотининг “Корхоналарда меҳнаткашлар вакиллари ва уларга бериладиган хуқуқлар тўғрисида”ги 135-Конвенциясида назарда тутилган чекловларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

**2.1.8.8.** Касаба уюшма органларига сайланган ходимларни уларнинг сайлов ваколатлари тугагандан сўнг 2 йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатилишига (корхона тугатилиши ёки ходим томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишдан бўшатилишига асос бўлувчи хатти-харакатлар бундан мустасно) йўл кўймаслик. (Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонуни, 17 -модда).

**2.1.8.9.** Касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси бўйича ваколатли вакиллари этиб сайланган ходимлар ва меҳнат низолари комиссияси аъзолари меҳнат жамоасининг вакиллик органи аъзоларига tengлаштирилди ва уларга мазкур келишувда белгилangan хуқуқ, кафолат ва имтиёзлар татбиқ этилади.

**2.1.8.10.** “Худудий электр тармоқлари” АЖ тизимида фаолият юритаётган ва касаба уюшма ташкилоти тузилмаган ҳамда янги ташкил этилаётган хўжалик субъектларида касаба уюшма ташкилотини тузища ўз ваколати доирасида касаба уюшмаси Республика Кенгашига амалий ёрдам кўрсатади.

**2.1.8.11.** Санатория-профилакториялар, тиббий муассасалар, болалар оромгоҳлари, пансионатлар, дам олиш уйлари ва бошқа ижтимоий соҳа обьектларини сотиш, фаолиятларини ўзгартириш ёки бошқаларга бериш масалаларини касаба уюшма ташкилоти сайланма органининг фикрини инобатга олган ҳолда ҳал қилиш тавсия этилади.

**2.1.8.12.** Ходимларнинг розилиги билан корхона бухгалтерияси орқали ихтиёрий касаба уюшма аъзолик бадалларини нақд пулсиз йиғиши системаси

ташкил қилинишини ҳамда йигилган аъзолик бадалларини касаба уюшма қўмитасининг ҳисоб рақамига ўтказилиши таъминланади.

**2.1.8.13.** Корхона ҳисоб рақамида маблағ етарли бўлмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2012 йил 15 мартағи 2342-рақам билан рўйхатга олинган “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб варагаларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”га мувофиқ касаба уюшма аъзолик бадаллари ижро тўлов ҳужжатлари бўйича пропорция асосида ҳисобдан чиқариладиган маблағлар қаторига киритилади.

**2.1.8.14.** Касаба уюшма қўмитаси раиси (ташкилотчisi) акциядорлик жамияти ва унинг тизимидағи корхоналарда ходимларнинг ижтимоий-иктисодий ва хуқуқий масалаларига оид қарорлар қабул қиладиган коллегиал органлар таркибиға киритилади.

**2.1.8.15.** Акциядорлик жамият ва унинг тизимидағи корхоналар иш берувчилари асосий ишидан озод этилмаган ҳолда корхона касаба уюшма қўмитаси раиси лавозимиға, қўмита аъзолигига сайланган ходимларнинг юқори касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган ўқувлар, маданий-маърифий ва спорт йўналишидаги тадбирларда иштирок этишлари билан боғлиқ қисқа муддатли (бир хафтагача) хизмат сафари харажатларини (бориш ва келиш, суткалик харажатлар, меҳмонхонада яшаш ва х.к.) корхона ҳисобидан қоплаш мажбуриятини олади.

**2.1.8.16.** Иш берувчи вакиллари томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг “Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш хукуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сонли Конвенциясига мувофиқ ташкилотларда ходимлар вакилларининг эркин фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратишга кўмаклашилади.

**2.1.8.17.** Касаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида жамият бошкаруви билан тизимли ҳамкорлиги таъминланади.

## **2.2. Касаба уюшма Республика кенгашининг мажбуриятлари.**

**2.2.1.** Ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш, ижтимоий-иктисодий масалаларни ҳал қилиш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга меҳнат жамоаларини сафарбар қилишда ўз ваколатлари доирасида хўжалик органлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш ва уларга кўмаклашилади.

**2.2.2.** Ижтимоий солиқ тўловлар ҳисобидан ажратиладиган қўйидаги маблағларни сарфланишини назорат қилинади:

а) соҳа ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва фарзандлари учун санаториялар ва болалар оромгоҳлари йўлланмалари учун белгиланган тартибда ажратилган маблағларни;

б) тармоқ тасарруфидаги болалар оромгоҳлари учун тасдиқланган сметаларга мувофиқ белгиланган тартибда ажратилган маблағларни.

**2.2.3.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини (ота-она, турмуш ўртоғи ва фарзандлари) соғломлаштириш ва дам олиши учун йўлланмалар Иш берувчи тизимидағи бошланғич касаба уюшма қўмиталари томонидан бериладиган буюртмалар асосида, улар томонидан тўланган ижтимоий солик тўловларидан ва касаба уюшма аъзолик бадалларидан тушган маблағлар микдорига мувофиқ равишда ажратилади.

**2.2.4.** Корхона ва ташкилотлар касаба уюшма қўмиталарига касаба уюшма бюджети маблағларидан оқилона (рационал) фойдаланишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатади.

**2.2.5.** Касаба уюшма бюджетининг корхоналар касаба уюшма қўмиталари томонидан белгиланган мақсадлар бўйича бажарилишини таъминлайди ва назорат қиласди.

**2.2.6.** Мехнатга хақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш вақтлари бўйича акциядорлик жамияти миқёсида меъёрий хужжатларни ишлаб чиқишида иштирок этиш.

**2.2.7.** Янги обьектларни эксперт комиссиялари томонидан қабул қилиш, шунингдек, бахтсиз ходисаларни текшириш ишларида иштирок этиш учун ўз вакилларини жўнатиши.

**2.2.8.** Мехнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва санитарияси бўйича қоидалар ва бошқа меъёрий хужжатлар ишлаб чиқишида иштирок этиш.

**2.2.9.** Иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилиги ва меҳнат ҳукуқига оид бошқа меъёрий-ҳукукий хужжатларга риоя қилинишини, шунингдек мазкур келишувдаги мажбуриятларнинг бажарилиши назорат қилиш.

**2.2.10.** Ижтимоий-меҳнат кафолатлари ва меҳнатга хақ тўлаш шартларини таъминлаш, иш вақти режими ва дам олиш вақти, меҳнатни муҳофaza қилиш ва ходимларни саломатлигини сақлаш масалалари бўйича иш берувчилар билан музокаралар олиб бориш ва ўз вақтида тақлифлар киритиши.

**2.2.11.** Куйидагиларда иштирок этилади:

- меҳнат муҳофазаси бўйича касаба уюшма фаолларининг ўқишилари, семинарлари ва кенгашларини ўтказишида;

- меҳнат муҳофазаси ҳолати бўйича “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан ўтказиладиган комплекс текширувларда;

- ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича билимларини текширувчи комиссия ишида.

**2.2.12.** Корхоналарда хавфсиз ва соғлом мөннат шароитларига риоя қилиниши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мөннат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси ишларини яхшилашга қаратилган таклифлар тайёрлаш.

**2.2.13.** Корхоналар касаба уюшма қўмиталарига мөннат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишда, мөннат муҳофазаси комиссиялари аъзолари ва жамоатчи вакилларни ўқитишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш.

**2.2.14.** Иш ҳақидан қарздорлик юзага келганда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг қарори билан тасдиқланган “Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича касаба уюшма органларининг харакат тартиби”да кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш.

**2.2.15.** Ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаб биринчи бор ишга кираётган ёшларни ишга қабул қилишда дастлабки синов белгиланмаслиги ва уларни ишдан бўшатишда маҳаллий мөннат органини хабардор қилиниши шартлиги устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

**2.2.16.** Мулқор ёки унинг манфаатини ифодаловчи орган олдига мөннат қонунчилигини бузажетган ва мазкур келишувдаги мажбуриятларни бажармаётган иш берувчилар билан тузилган контрактни бекор қилиш тўғрисида таклиф киритиш.

**2.2.17.** Тармоқ корхоналарда мөннат ва технологик интизом мустаҳкамланишига, ички мөннат тартибига риоя қилинишига ва мөннат унумдорлигини оширишга кўмаклашилади.

**2.2.18.** Ёлланма ходимлар онгода жамият мулкини саклаш, моддий бойликлар ва ишлаб чиқариш ресурсларини тежаш тушунчаларини шакллантириш ишларини амалга ошириш.

**2.2.19.** Мөннаткашларнинг ижтимоий-иқтиёдий, ҳукуқий ҳимоясини таъминлаш, мөннат қонунчилиги, мөннат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси масалалари бўйича касаба уюшма фаолларининг малакасини ошириш, ўкув семинарлари ва курслари ташкил қилиш ҳамда ўтказиш.

**2.2.20.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VII Курултойи қарорларидан келиб чиқсан ҳолда иш берувчилар билан биргаликда қўйидагиларни амалга ошириш:

- бир хил қийматдаги мөннат учун тенг хақ тўлаш принципини амалга оширишга хар томонлама кўмаклашиш;
- ижтимоий йўналтирилган Дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш;
- иш берувчилар томонидан иш хақининг кафолатланган энг кам миқдорига оғишмай риоя қилиниши устидан жамоат назоратини ўрнатиш;

- касаначилар, вактингчалик мавсумий ходимлар, шунингдек ходимларнинг бошқа ижтиомий ночор тоифалари манфаатларини ҳимоя қилиш;

- корхона банкротга учраши ёки қайта ташкил этилиши натижасида бўшаб қолган ходимларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш.

### **III. Бўлим. Тарафларнинг биргаликдаги мажбуриятлари.**

**3.1.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ҳар йили қабул қилинадиган ижтиомий йўналишдаги Давлат дастурларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш.

**3.2.** Ижтиомий меҳнат муносабатларини жамоа-шартномавий тартиба солиш ва меҳнат соҳасидаги ўзаро муносабатларни ижтиомий шерикчилик тамойили асосида ривожлантириш, ўзаро манфаатларни ва тенг хукуқлиликни хурмат қилиш, меҳнат қонунчилиги ва меҳнат хукуқига оид бошқа меъёрий хужжатларга риоя қилиш.

**3.3.** Ходимлар ва ишламаётган пенсионерлар учун меҳнат қонунчилиги ва меҳнат хукуқига оид бошқа меъёрий хужжатларда ҳамда мазкур келишувда белгиланган ижтиомий имтиёзлар ва кафолатларнинг бажарилишини таъминлаш.

**3.4.** Маънавий-маърифий ва маданий-оқартув ишларини ривожлантириш, турли тадбирлар ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва уларни амалга ошириш, ҳамкорликда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масалаларини мувофиқлаштириб бориши.

**3.5.** Болалар оромгоҳларининг ёзги мавсумга ўз вақтида тайёрланишини ва ёзги соғломлаштириш мавсумини талаб даражасида ўтказилишини таъминлаш. “Худудий электр тармоқлари” АЖ тизимида бўлган ҳамда “Худудий электр тармоқлари” АЖ тизимида кирмаган болалар оромгоҳлари йўлланмалари тўлиқ қийматини қоплаш учун қуидаги микдорларда маблағ ажратилишини кўзда тутиш:

- ижтиомий солиқ маблағлари ҳисобидан ижтиомий сугурта сметаси баҳосининг - 22,5% микдорида;
- касаба уюшма маблағлари ҳисобидан - ижтиомий солиқ сметаси баҳосининг 25% микдорида;
- ота-оналар бадаллари ҳисобидан - ижтиомий солиқ сметаси баҳосининг 27,5% микдорида;
- қолган қисми көрхоналар маблағлари ҳисобидан.

Бунда кам таъминланган ва кўп болали оиласлар, бокувчисини йўқотган оиласлар фарзандларини ҳамда ногирон-болаларни бепул йўлланмалар билан таъминлаш. Йўлланмалар учун харажатлар касаба уюшмаси қўмиталари ва корхоналарнинг маблағлари ҳисобидан қопланади.

**3.6.** Куйидаги йўналишлар бўйича ҳамкорликда чоралар кўрилади:

- ходимлар ва улар оилаларининг турмуш даражасини ошириш;
- хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратиш;
- меҳнатни ташкил қилиш ва унга хақ тўлаш тизимини такомиллаштириш.

**3.7.** Корхоналар, бўлинмалар ва касаба уюшма ташкилотлари раҳбарларининг ижтимоий шерикчилик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат муносабатларини тартибга солиши масалалари бўйича ўқишлиари ташкил қилинади.

**3.8.** Ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиш, кам таъминланган болали аёлларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-куватлашнинг қонун хужжатларида кўзда тутилган чоралари амалга оширилишини таъминлаш.

**3.9.** Маҳаллалардаги ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили Наврӯз ва Мустақиллик байрамлари арафасида жойларда ўтказиладиган мақсадли умумхалқ хайрия хашарлари хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси фармойиши асосида ўтказиладиган хайрия хашарларида фаол иштирок этиш.

**3.10.** Кам таъминланган ва кўп болали оилалар аъзолари, Чернобил АЭСдаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор шахсларнинг мальум микдорини ҳар йили касаба уюнмалари санаторияларида корхона ҳисобидан бенул соғломлаштирилиши жамоа шартномаларида кўзда тутилади.

**3.11.** Корхоналарда жамоа шартномаларининг тегинли йилнинг март ойидан кечиктирмай тузилишини таъминлаш.

**3.12.** Корхоналар жамоа шартномаларининг касаба уюнма Республика кенгани раёсатининг қарори билан тасдиқланган “Жамоа шартномаларининг тармоқ макети”га мувофиқлигини таъминлаш.

**3.13.** Долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни мухокама қилиш учун тармоқ касаба уюнма фаоллари ва иш берувчилар вакиллари билан давра сұхбатларини ташкил қилиш.

**3.14.** Корхоналарга касаба уюнма аъзоси бўлмаган янги ходимларни ишга қабул қилишда уларга касаба уюшмасига аъзо бўлишликни таклиф этиш ва аъзолик афзалликларини асослаш.

**3.15.** Касаба уюнмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний хукуқларига риоя этиш, уларнинг қонун хужжатларида белгилаб кўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилининига йўл кўймаслик.

**3.16.** Колл-марказлар, ишонч телефонлари ва виртуал қабулхоналар тармоғини кенгайтириш орқали ижтимоий-мехнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизмини янада такомиллаштириш.

#### **IV. Бўлим. Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар.**

**4.1.** Корхоналар ишида ва ривожланишида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимояси масаласи ечимини топиш мақсадида томонлар қўйидагиларга келишиб олдилар:

- халқаро меҳнат ташкилотининг 138 ва 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини таъқиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш;

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш;

- ёш мутахассислар кенгашини тузиш, ёш ишчилар ва мутахассислар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;

- корхоналарнинг ўзида, зарур ҳолларда эса таълим муассасалари ва ўкув курсларида ёш ходимлар учун касбий тайёргарлик, бошқа касбга ўргатиш, малака ошириш ишларини олиб бориш;

- ёшларни билим салоҳиятини ошириш мақсадида, уларнинг замонавий билимлар, хорижий тил, компьютер саводхонлигини мукаммал эгаллашларига ўқувлар ўтказиш орқали кўмаклашиш, улардан кадрлар захирасини шакллантириш;

- бошқарув салоҳиятига эга бўлган иқтидорли ёш ходимларни таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва сайланма касаба уюшма органлари раҳбарлари лавозимлари захираларига қабул қилиш амалиёти кенгайтирилишига кўмаклашиш;

- “Устоз-шогирд” тизимини кенг жорий этиш ва таълим муссасаларини битириб янги ишга қабул қилинган ёшларни малакали ва тажрибали мутахассисларга бириктириб кўйиш ҳамда қўнимлилигини таъминлаш;

**4.2.** Қонунчиликка биноан мазкур **Шартнома** мақсадлари учун Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-406-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланган “ёшлар”, “ёш оила”, “ёш мутахассис” тушунчаларидан фойдаланилади.

**4.3.** Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексида кўзда тутилган қўйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) 18 ёшга тўлмаган ходимлар учун (135, 143, 144, 202, 203, 214, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 246, 247-моддалар);

б) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган ходимлар учун (103, 143, 144, 249, 250, 254, 255, 256, 257, 258-моддалар);

в) таълим муассасаларини битирган ходимлар учун (68, 103-моддалар).

**4.4.** Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўкув режасини бажараётган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексида белгиланган имтиёзларга қўшимча тарзда қуидагилар кафолатланади:

**4.4.1.** ишни таълим билан қўшиб олиб борувчи ходимлар иш кунининг бошланиш ва тамом бўлиш вақтини ходимга мақбул тарзда ўрнатилиши;

**4.4.2.** иш ҳафтасини қисқартирмаслик;

**4.4.3.** йилда 2 иш кунидан иборат қўшимча меҳнат таътили бериш;

**4.4.4.** йилда 14 календарь кунидан кам бўлмаган иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш.

**4.5. Иш берувчи ишни таълим билан қўшиб олиб бораётган ходимларга** йилда бир марта лаборатория-имтиҳон сессиялари (шунингдек диплом ишларини ҳимоя қилиш (битирув имтиҳонларини топшириш) даврида, ўкув муассасасига бориб келиш учун йўлкира харажатининг 20 фоизи миқдорида йўлкира пули тўлайди.

**4.6. Иш берувчи мажбуриятлари:**

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, шунингдек профессионал таълим муассасаларини битирувчиларига меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш, уларни **Корхонанинг** санаторий-профилакторийсида соғломлаштириш;

б) профессионал таълим муассасаларида ёш мутахассисларни тайёрлаш, уларни **Корхонага** жалб этиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш;

в) меҳнат жамоасида “Устоз шогирд” тизимини жорий этиш. Бунда таълим, муассасасини тамомлагандан кейин биринчи марта ишга қабул қилинган ходимга бир йил давомида тажрибали ходимни устоз сифатида бириктириш, устоз ходимларни бир марталик Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини 50 фоизи миқдорида рағбатлантириш;

и) Корхонанинг зарур йўналишлар бўйича истеъодли ёш кадрларини чет эл олий маҳсус ўкув юртларида ўқитиш, ўқув-контракт тўловларини иш ҳақи ҳисобидан ёки Корхона ҳисобидан қоплаш;

#### **4.7. Касаба уюшмаси қўмитаси мажбуриятлари:**

а) ёш ходимларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш ишларини янада мукаммаллаштириш учун мавжуд ҳуқуқий-норматив базадан фойдаланиш;

б) ёш йигит-қизларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиш ишларини олиб бориш, жамоат ишида фаоллик кўрсатган ёшларни тизимли равишда маънавий (фахрий ёрлиқ, ташаккурнома, улар тўғрисида газеталарда рағбатлантирувчи мақолалар чоп этиш) ва моддий рағбатлантириш;

в) ўкувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассисларни жалб этиш ҳамда ёшларни ишга қабул қилишда устоз биритирилишини таъминлашда кўмаклашиш;

г) амалиёт ўташ учун биритирилган профессионал таълим муассасалари ўкувчиларини ва янги ишга қабул қилинган битирувчиларини меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқдан ўтказишга, маҳсус кийим-бош, маҳсус пойабзал, якка тартибдаги ҳимоя воситалари, сут ва даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан таъминлашга эришиш;

д) ишга қабул қилинган профессионал таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилишини, улар жамоа шартномалари билан таништирилишини таъминлаш;

е) ишга янги қабул қилинган ёшларнинг иш жойларида қўнимлилигини таъминлаш бўйича иш олиб бориш;

ж) ҳар бир ёш мутахассисни ишга қабул қилиниши билан ҳисобга олиб, Корхонанинг ўзида, зарур ҳолларда эса ўкув курсларида малака оширишини назорат қилиб бориш;

з) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддасига асосан ўрта маҳсус, профессионал таълим ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларининг таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслиги ҳамда 247<sup>1</sup>-моддасига асосан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилар билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар Иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганида меҳнат органларига хабар берилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш;

**V. Аёллар мөхнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган құшимча имтиёз ва кафолатлар.**

**5.1.** Тарафлар мөхнат муносабатлари соҳасыда камситмаслик, хукуқ ва имконияттар тенглиги, тенг аҳамиятли мөхнат учун тенг ҳақ түлаш принципларига қатый риоя этишни ўз зиммаларига оладилар.

**5.2.** Тарафлар аёлларнинг мөхнат хукуқлари ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш борасыда Халқаро мөхнат ташкилотининг куйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этадилар:

“Зўраки ёки мажбурий мөхнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;

“Тенг аҳамиятли мөхнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ түлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;

“Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;

“Мажбурий мөхнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;

“Мөхнат ва иш турлари соҳасыда камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция.

**5.3.** Аёллар мөхнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг ижтимоий-иктисодий манфаатларини химоялаш борасыда корхоналарда жамоа шартномалари орқали Мөхнат кодексида кўзда тутилган куйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминланади:

а) ҳомиладор аёллар учун (78, 84, 143, 224, 228, 229, 231, 233-моддалар);

б) икки ёнга тўлмаган фарзанди бор аёллар учун (143, 227, 234, 236-моддалар);

в) уч ёшгача фарзанди бор аёллар учун (78, 84, 150, 224, 228, 228\*, 234, 237-моддалар);

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ фарзанди ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор аёллар учун (150, 232-моддалар);

д) ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (vasiy, ҳомий) учун (230-модда);

е) ўн тўрт ёшга тўлмаган фарзанди ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бор аёллар учун (68, 144, 228, 229-моддалар);

ж) болаларни онасиз тарбиялаётган шахслар учун (235, 238-моддалар).

**5.4.“8 март халқаро хотин қизлар байрами” муносабати билан корхоналарда мөхнат қилаётган аёлларга Республикада белгиланган Мөхнатга ҳақ тўлаши зиг кам миқдори бир баробаригача миқдорда бир йўла моддий ёрдам берилади.**

**5.5.** Аёлларни ҳохишига кўра туғишгача ва туғишдан кейинги таътиллар тугагандан сўнг уларга икки ёшгача фарзанд тарбияси учун таътил бериш ва

шу давр учун қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа тўлаш. Фарзанд тарбияси билан боғлиқ таътилда бўлган аёлларга уларнинг ҳохишига кўра тўлиқсиз иш вақти белгиланиши мумкин, бунда уларнинг нафақа олиш ҳукуқи сақланиб қолинади.

**5.6. Ҳомиладор аёлларнинг декрет таътиллари (туғишгача ва туғишдан кейин) учун корхоналар ҳисобидан хақ тўлаш.** (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699 сонли қарори асосида).

**5.7.** Бола тарбияси муносабати билан таътилга чиқаётган аёлларга Республикада белгиланган Мехнатга хақ тўлаш энг кам микдори 1,2 баробари микдорида бир йўла моддий ёрдам берилади

**5.8.** Мактабгача ёшдаги фарзандларини биринчи ўкув йилига тайёрлаш учун оналарга (аризага асосан) ўкув йили бошланишидан олдин, бир кун хақ тўланадиган кўшимча таътил бериш.

**5.9.** Балоғат ёшига етмаган (4 ва ундан ортиқ) фарзандлари бўлган аёллар учун ойлик иш ҳақларини саклаган ҳолда иш ҳафтасини 1 соатга қисқартириш.

**5.10.** Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук хамда имкониятларни таъминлаш мажбурияти корхона ва ташкилотларнинг ваколатли масъул рахбарлари зиммасига юкланади.

**5.11.** Ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича қўтаришда тенг ҳуқук ва имкониятларни таъминлаш.

**5.12.** Хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатга хақ тўлашда нотеисликни бартараф этиш ва унга йўл қўймаслик.

**5.13.** Ҳомиладорлик ва туғиш таътил қунларини узайтириш, бололи аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш.

## **VI. Маданий-маърифий, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт ишлари.**

### **6.1. Иш берувчи вакиллари:**

**6.1.1.** Касаба уюшмаси кўмитасига ўз балансида турган ёки ўзи ижарага олган иншоотлар ва обьектларни, шунингдек дам олишни ташкил этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари билан маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган дам олиш масканларини, болалар-ўсмиirlар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳларини бепул фойдаланиш учун берилади;

**6.1.2.** Ҳар ойда меҳнатга хақ тўлаш жамғармасининг камида 1%-ни маданий-маърифий, жисмоний тарбия тадбирлари, республика худудидаги тарихий қадамжоларга саёҳатлар ташкил этиш, концертлар, театрларга чипталар ва истироҳат боғларига таклифномалар харид қилиш, моддий ёрдам

кўрсатиш, рағбатлантириш, касаба уюшмаси кўмитасининг штатдаги ходимларига қўшимча ҳақ тўлаш ва бошқа мақсадлар учун **Касаба уюшмаси кўмитаси** ҳисоб рақамига ўтказиш мажбуриятини олади (Ўзбекистон республикаси “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Конунининг 18-моддаси).

## **6.2. Маданий-маърифий ишларни яхшилаш учун тарафлар кўйидагиларни ўз зиммасига оладилар:**

**6.2.1.** «Маънавият ва маърифат» хонасини ташкил этиб, уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Республика Маънавият ва маърифат маркази тавсиялари асосида жиҳозлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стенд ва техник воситалар билан таъминлаш;

**6.2.2.** “Китобхон” бурчакларини ташкил этиш ва “Энг яхши китобхон” кўрик-танловини ўтказиш;

**6.2.3.** Давлат дастурларини бажариш доирасида таникли фан, адабиёт ва санъат арбоблари, адабиётшунослар, ишлаб чиқариш илгорларини жалб этган ҳолда меҳнаткашлар ва ёшлар ўргасида, турли мавзуларда мазмунли ва қизиқарли учрашувлар ташкил этиш;

**6.2.4.** Корхона балансидаги кутубхона, маданият уйлари ва саройлари фаолиятини Корхона ҳисобидан янада ривожлантириш, уларни сақлаб туриш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш, жиҳозларини янгилаш, уларда ишловчи ходимлар ойлик маошларини молиялаштириш. Кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини янги адабиётлар билан тўлдириш, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган ҳолда, миёллий ғоя ва маънавий-маърифий дунёқаранини ўстириш борасида тадбирлар ўтказиш;

**6.2.5.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўргасида бадиий ҳаваскорликнинг янада ривожланишига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, республиканинг тарихий шаҳарларига ва ўз худудларидаги дикқатга сазовар жойларга саёҳатларини, театр, концерт ва музейларга ташрифларини уюштириш;

**6.2.6.** Рағбатлантириш сифатида акциядорлик жамиятининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг камидаги 10 фоизини оила аъзолари билан биргаликда ҳар йили дам олишга (ички туризмга) юборишни назарда тутадиган ходимларнинг жамоавий ва оиласиавий дам олишини ташкил қилиш;

**6.2.7.** «Ички туризм ойлиги», «Ички туризм ҳафталиги» ҳамда «Ички туризм кунлари»ни, «Оиласиавий саёҳат таътили»ни ташкил этиш ва ўтказиш;

**6.2.8.** Ходимларга меҳнат қонунчилигига мувофиқ улар учун кулай бўлган вақтда саёҳат қилиш ва дам олиш учун таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми ҳисобидан дам олиш кунлари (отгул) бериш;

**6.2.9.** Умумхалқ ва касб байрамларини, хусусан “Касаба уюшмалари куни”ни нишонлаш кунларида касб маҳорати ва бадиий ҳаваскорлик бўйича

мусобақа, танлов ҳамда тадбирлар уюштириш;

**6.2.10.** Бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислоҳатларнинг мазмун-моҳияти, қабул қилинган қонун хужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга атрофлича тушунтириш мақсадида ҳар ойда 2 марта «Маърифат соатлари»ни ўтказиб боринш.

**6.3.** Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Конунига биноан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида тарафлар куйидагиларни ўз зиммасига оладилар:

**6.3.1.** Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун етарли моддий ва бошқа шароитлар яратиб бериш (махсус спорт хоналарини ажратиш) ҳамда меҳнат жамоасида “ходимлар гимнастикаси” ва “спорт дақиқалари”ни жорий этиш;

**6.3.2.** Технология, ишлаб чиқариш ва иш шароитларидан келиб чиқиб, ходимларга “ходимлар гимнастикаси” машқларини бажариши учун ҳамда иш вақтига киритиладиган “спорт дақиқалари” учун маҳсус танаффусларни белгилаш;

**6.3.3.** Соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга “Спорт тарғиботчиси” қўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига 20 фоиз микдорида устама белгилашни йўлга қўйиш;

**6.3.4.** Иш вақтидан сўнг танланган кунларда (ҳафтада камида бир марта) раҳбар ва барча ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тениси, сузиш ва бошқалар) билан шуғулланишини ташкил қилиш;

**6.3.5.** Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун етарли шароитлар яратиб бериш ҳамда меҳнат жамоасида ходимлар гимнастикасини жорий этиш;

**6.3.6.** Жамоат ташкилотлари ва жамғармаларни жалб этган ҳолда, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий спортга, тури спорт секциялари, тўгаракларига жалб этиш ҳамда улар ўртасида спартакиадалар ва спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш.

**6.3.7.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини қизиқишлирага кўра спорт тўгаракларига қатнашлари учун имтиёзли чипталар билан таъминлаш;

**6.3.8.** Корхоналар балансида бўлган спорт иншоатлари, стадионлар ва майдончаларнинг фаолиятини Корхона маблағлари ҳисобидан янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш, спорт инвентарлари ва жиҳозларни янгилаш;

**6.3.9.** Акциядорлик жамиятида ойнинг бир шанба кунини “Спорт – саломатлик куни” деб эълон қилиш ва бошқарув раиси билан ҳамкорликда ходимларни спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар яратиш бўйича

чоралар белгилаш, жисмоний тарбия жамоаларини тузиш ва уларнинг ишини жонлантириш;

**6.3.10.** Ходимларни спорт кийимлари ҳамда спорт анжомлари билан таъминлаш, уларни спорт тадбирларига кенг жалб этиш;

**6.3.11.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг “Жисмоний тарбия ва спорт-согломлаштириш бошқармаси” унитар корхонаси билан алоқаларни мустаҳкамлаш.

## **VII. Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш соҳасида.**

**7.1.** “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва касаба уюшма Республика кенгаши меҳнат жамоалари аъзоларининг хукуқ ва манфаатлари максимал даражада таъминланишини инобатта олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва меъёрий хужжатларига мувофиқ тармоқ корхоналарини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқарини дастурини амалга оширади.

**7.2.** Акциядорлик жамиятларида овоз берувчи акциялари сони 1% дан кам бўлмаган улушга эга бўлган меҳнат жамоасининг таклифига кўра кузатув кенгаши аъзолигига сайланадиган номзодлар таркибига асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма кўмитасининг раислари киритилади.

**7.3.** Меҳнат жамоасига тегишли бўлган акциялар меҳнат жамоаси умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Низомга асосан тақсимланади.

**7.4.** Хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоаси аъзоларига бериладиган имтиёзлар Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун асосида амалга оширилади.

Акциялар учун хақ тўлаш тартибини давлат мулкини тасарруф этишга ваколат берилган орган белгилайди.

## **VIII. Бўлим. Келишувнинг бажарилишини ташкил қилиш ва назорат қилиш тартиби.**

**8.1.** “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви ва касаба уюшма Республика кенгаши ижроия кўмитаси:

**8.1.1.** Мазкур келишув ва жамоа шартномаларининг бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориш ҳамда юзага келган ижтимоий-иктисодий муаммоларнинг тезкор ҳал қилинишига эришиш мақсадида корхоналарда доимий фаолият кўрсатувчи икки томонлама меҳнат консультациялари комиссияларининг ташкил қилинишини таъминлайдилар.

**8.1.2.** Заруриятга қараб, лекин йилда камида бир марта келишувнинг бажарилишини “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви ва касаба уюшма Республика кенгаши ижроия кўмитаси қўшма мажлисларида

муҳокама қилиб боришиди, ушбу масала бўйича тармоқ тизимидағи корхоналар раҳбарлар ҳамда масъулларнинг ҳисоботларини эшитадилар.

**8.1.3.** Келишувда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилишиди, камчиликлар ва тадбирларни бажармаслик фактлари аниқланганда томонларни хабардор қиласиди ва камчиликларни бартараф қилиш бўйича тегишли чоралар кўрилишини талаб қиласидилар.

**8.1.4.** Зарурат туғилганда ва фақат ўзаро келишилгандан кейингина ушбу келишувга томонлар олдин қабул қилган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритадилар.

**8.2.** Келишувни бажаришда томонлар ўртасида юзага келувчи баҳсли масалалар келишув комиссияси томонидан ҳал қилинади.

**8.3.** Келишувда кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаган ёки тўлиқ бажармаган масъул мансабдор шахсларга нисбатан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўрилади.

**8.4.** Томонлар таркибий тузилишида ўзгаришлар ёки қайта тузилишлар юз берган ҳолда тегишли органлар уларнинг ҳуқуқий ворисларини аниқлайдилар ва ворислар ушбу келишувни бажаришга мажбурдирлар.

**8.5.** Келишувни тузган томонлар уни барча меҳнат жамоаларига ва касаба уюшма органларига етказишни таъминлайдилар.

**8.6.** Келишувни бажарилиши бўйича жавобгарлик “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси ва касаба уюшма Республика кенгаши раиси ҳамда келишувдаги муайян тадбирлар бажарилиши учун масъул бўлган мансабдор шахслар зиммасига юклатилади.

**8.7.** Мазкур келишув томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва янги келишув қабул қилингунга қадар амал қиласиди.

“Худудий электр тармоқлари”  
Акциядорлик жамияти  
бошқаруви раиси

У.М.Мустафоев




Ўзбекистон энергетика, нефт-газ ва  
геология ходимлари касаба уюшма  
Республика кенгаши раиси

Ш.Т.Курбонов



**“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятидан**

Р.О.Райимов



Бошқарув раисининг ўринбосари,  
комиссия ҳамраиси

А.А.Аскarov



Бошқарув раисининг ўринбосари,  
комиссия аъзоси

Ж.Қ.Намозов



Юриспруденция ва методология  
хизмати бошлиғи, комиссия аъзоси

В.Х.Примқулов



Марказий бухгалтерия ва молия  
бошқармаси бошлиғи, комиссия  
аъзоси

М.Н.Муйдинов



Иқтисодий таҳлил бошқармаси  
бошлиғи, комиссия аъзоси


**Касаба уюшма Республика Кенгашидан:**

Ф.Ю.Хамидов




Республика кенгаши раисининг  
ўринбосари, комиссия ҳамраиси

Р.П. Джураев



Республика кенгаши ижтимоий  
химоя бўлими мудири, комиссия  
аъзоси

Б.У.Абдуллаев



Республика Кенгаши бош меҳнат  
хукуқ инспектори

З.И.Ибрагимова



Республика кенгаши молия бўлими  
мудири, комиссия аъзоси

С.С.Сайдмахмудов



Республика кенгаши бош меҳнат  
техник, комиссия аъзоси